

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади.

“Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари”. Республика илмий амалий анжумани илмий мақолалар ва маърузалар тўплами. (2016 йил 15 декабрь) – Т.: «ТДИУ», 2016. – 441 б.

Мазкур тўпланда мамлакатимиз ва хорижий олимлар, амалиётчиларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақола ва маърузалари умумлаштирилган. Шунингдек, тўпланда олимларнинг жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишларини таъминлашга муаммолари ва эришилган ютуқлари борасидаги таклифлар ва тавсиялар баён этилган.

Анжуман материаллари тўплами А-2-42 “Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа режаси бўйича ўтказилган Республика илмий-амалий конференциясида тўпланган маълумотлар асосида яратилган бўлиб, ундан профессор-ўқитувчилар, катта илмий-ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабалар учун мўлжалланган.

Тўпланим таҳрир ҳайъати қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

Маъсул муҳаррир: и.ф.д., проф. Б.Ю. Ходиев

Таҳрир ҳайъатлари:

*И.ф.д., проф. Г.Н. Ахунова, и.ф.н., доц. М.Э. Пўлатов,
и.ф.н., доц. И.А. Аҳмедов, Ф.Э.Захидов, и.ф.н., доц. О.Ҳ.Ҳамидов,
п.ф.н., доц. М.М. Комилов, и.ф.д., проф. Ш.Р. Холмўминов,
и.ф.н., доц. Хажиев Б.Д., и.ф.д., проф. А.Ф. Расулев,
и.ф.н., доц. М.Яхшиева, и.ф.н., доц. Р.А. Юсупов,
и.ф.н., доц. М.К., Абдуллаева, и.ф.н., доц. Б.Э. Мамарахимов,
кат.ўқит. Шарипов Қ.Б.*

Тақризчилар:

*И.ф.д., проф. Жўраев Т.Т.
И.ф.д., проф. Шодмонов Ш.Ш.*

Мазкур тўпланимга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий хужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари маъсулдирлар.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2016.

рағбатлантирадиган шарт-шароитлар босқичма-босқич яратила бошлангандан кейин кузатилди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига истеъмол харажатларининг таркиби, фоизда

Кўрсаткичлар	2013 й	2014 й	2015 й.
жами истеъмол харажатлари	100,0	100,0	100,0
шундан:			
Кийим	5,9	5,7	6,4
Мато	0,9	0,8	0,8
Пойафзал	2,6	2,6	2,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди. Бугунги кунда ушбу товарларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оиллага 234 та мобиль телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда¹.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларининг сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини акс эттиради. Ўртача ойлик маош харид қобилиятининг ўсиш динамикаси, минимал истеъмол савати билан қиёслаганда, ҳозирги вақтда 7,2 баробар ошди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Уларнинг улуши ҳозирги пайтда 8,5 фоизни ташкил этмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.

и.ф.н. доцент З.Т.Сиддиқов ТДАУ
и.ф.н. доцент Т.И. Жўраев ТДИУ
магистрант Ғ. Эргашов ТДАУ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КўП
ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХўЖАЛИКЛАРИНИНГ ўрни**

Ўзбекистон аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш асосида республикамиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Ушбу мақсадга эришишда агросаноат мужмуида етакчи соҳа ҳисобланган қишлоқ хўжалиги фаолиятини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 16 январь, №11 (6446).

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш, тўлиқ озиқ-овқат мустақиллигини ўзини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мустақиллик йилларида соҳада чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. 2015 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси экин майдонларининг 55,6 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга жалб этилди. Шу билан бирга мевазорлар 1990 йилдагига қараганда салкам 3 баробар ва узумзорлар 1,7 мартага оширилди.

Аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш мамлакат иқтисодиётдаги устувор вазифаларни ҳал этиш учун “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги, “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарорлари, 2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари каби ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу тармокни янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш имконини кенгайтиради. Шу сабабли мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кенг қўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатидан янгиланишлар юз бермоқда. Ҳозирда экин майдонларини оптималлаштирилиши ва қишлоқ хўжалигини кўп тармоқли ихтисослашуви қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда олиб борилаётган йўналишлардан бири суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш масаласидир. Ўтган йилларда бу борада амалга оширилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшиланганлиги, мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида ҳосилдорлик бир неча центнерга ошгани билан баҳолаш мумкин. “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” бўйича 2015 йилда жами 350,4 млрд сўмлик бюджет маблағлари ўзлаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги ер фондиди қўллаб-қувватлаш ва сифатини яхшилаш, пахта экиладиган ерларни оптималлаштириш, бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибида ўзгаришларни амалга оширилган ислохотларнинг яна бир йўналишидир. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришганлиги, аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари – гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришганлиги билан тўлиқ таъминлашга эришилганли билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакатимизда келгусида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича улкан имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон ноёб тупроқ-иқтим шароити, қуёшли кунлар бир йилда 320 кун бўлиши, барча тўрт фаслининг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратади. Экин майдонлари таркиби оптималлаштириш натижасида, республикадаги шаҳар атрофидаги туманларида пахта экишдан бутунлай воз кечилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори асосда 2020 йилгача пахта етиштириш ҳажмини 350 минг тоннага қисқартириш ҳисобидан 170 минг 500 гектар суғориладиган ер пахтадан бўшайди. Бу асосан шўрланган, шунингдек, пахта етиштиришга яроқсиз бўлган тоғолди ерлар ҳисобида амалга ошади. Пахтадан бўшаган экин майдонларида, сабзавот ва картошка, шулар қаторида озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа ўсимликлар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилади. Натижада 2016-2020 йилларда пахта етиштириш ҳажми 3 млн тоннага камайтирган ҳолда, сабзавот етиштириш 24.1 фоиз, полиз экинлари 23.8 ва мева етиштириш қарийб 17,6 фоизга ва картошка етиштириш 34,8 фоизга ўсиши башорат қилинмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида 2012-2015 йилларда жами 312 та мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш белгилаб қўйилган эди. Шу жумладан, 169 та янги корхона қуриш ва 143 мавжуд корхонани реконструкция ва модернизация қилиш режалаштирилган эди. Ушбу қарорнинг ижроси таъминланиши натижасида мамлакатимизда 63,1 минг тонна мева-сабзавот, 16,5 минг тонна гўшт маҳсулотлари, 45,7 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватлари ташкил қилинди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга 2 баробардан зиёд ошди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 баробар, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Озиқ-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутоносиб рацион асосида овқатланишини таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этиш имконини берди.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақоботбардошлигини таъминлаш заминида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатни ҳом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш ва чет элга экспорт қилиш имкониятини ҳам шакллантирди ва мамлакатимиз олтин – валюта захирасининг ортишига хизмат қилмоқда. Лекин жаҳондаги ўзгариб бораётган иқтисодий шароитнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларига таъсири, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига хизмат қилувчи омиллар таҳлилини ўз вақтида мониторингини олиб бориш асосида, талаб ва таклиф ўзгаришига жавоб берадиган механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жалб этишни талаб этади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликнинг ривожланиши ўз натижаларини бермоқда. 2016 йил 1 январ ҳолатига республикада 101070 га яқин фермер хўжаликларининг 60 фоизи яъни 60 минг 695 та фермер хўжалиги пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида, 24,5 фоизи ёки 24 минг 730 та фермер хўжалиги мевачилик ва узумчилик йўналишида, 6,5 фоизи ёки 6 минг 572 та фермер хўжалиги чорвачилик, 3,6 фоизи ёки 3 минг 655 та фермер хўжалиги сабзавотчилик ва 5,4 фоизи бошқа йўналишларда ёки 5 минг 418 та фермер хўжалигига фаолият юритмоқда. Шулардан 35 мингдан зиёди кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бирга, уларни қайта ишлаш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш даражасини ошириш асосида озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада юксалтириш йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлмоғи мақсадга мувофиқ:

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш кўламини кенгайтириш ва ривожлантириш, қишлоқ жойларда бу соҳада замонавий мини-технологиялар билан қуроллантирилган корхоналар тармоғини кенгайтириш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ассортиментини ва сифатини янада яхшилаш, худудларнинг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш салоҳиятини юксалтириш учун мақсадли давлат дастурларини мунтазам амалга ошириш;

- хомашё сифатини яхшилаш учун уруғчилик-селекция ва наслчилик ишлари самарадорлигини ошириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

- деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қайта ишлаш корхоналарининг кооперациясига асосланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга ихтисослашган совитиш камералари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш ва қадоқлаш пунктлари ва уларни ташиш билан шуғулланувчи махсус транспорт-логистика тармоғини кенгайтириш;

- деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қайта ишлаш корхоналарига маслаҳат-сервис хизматларини кўрсатувчи консалтинг хизматлари тармогини янада кенгайтириш;
- деҳқон ва фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналарига минитехнологиялар ҳамда замонавий ускуналар харид этиш учун имтиёзли кредитлар бериш механизмини янада енгиллаштириш;
- қайта ишлаш саноати маҳсулотлари таннархисининг ошиб кетиши олдини олиш, уларга солиқ, кредит ва божхона имтиёзларини кенгайтириш;
- озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш борасида мақсадли давлат дастурларини мунтазам равишда амалга ошириш;
- озиқ-овқат саноати корхоналарининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарурий инфратузилмаларни шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва бошқалар);
- тармоқни ривожлантиришда банк кредитларидан ва хорижий инвестициялардан фойдаланиш ҳажмини ошириш;
- маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ҳамда кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва уларни қайта ишловчи корхоналар ўртасида дебитор ва кредитор қарздорлик ортиб кетишининг олдини олиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш.

Хулоса қилиб айтганда, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда кўп тармоқли фермер хўжаликлари томонидан халқимизни арзон, сифатли, экологик тоза мева-сабзавот маҳсулотлари билан янада тўлиқ таъминлаш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, етиштирилган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат яратиш бўйича мамлакатимизда катта имкониятлар мавжуд бўлиб, амалга оширилаётган кенг кўламли мақсадли тадбирлар ана шу салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

и.ф.н. доцент З.Т.Сиддиқов ТДАУ
и.ф.н. доцент Г.И. Жўраев ТДИУ
магистрант А. Тоғайназаров ТДАУ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалиги мамлакатда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини амалга оширувчи асосий соҳага айланмоқда.

Истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқларимизнинг ҳеч бири осонликча қўлга киритилмаган, бу ютуқларимиз замирида мамлакатда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар мужассам эканлигига нафақат республикамиз балки дунё ҳамжамияти бугунги кунда иқдор бўлмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ўзининг юксак самарасини бермоқда. Буни иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларидан бири - қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Сўнги йилларда Республика аҳолисини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари етиштиришни ҳамда гўшт, сут, тухум ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш ҳамда ички истеъмолни таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар Дастурлари ишлаб чиқилиб, уларни амалга оширилиб ижобий натижаларга эришилмоқда.